



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO'MITASI

000750

BUYRUQ

Toshkent shahri

“ 9” июль 20 21у.

№ 96-ИЧ

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил
6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори
ижросини ташкил этиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Девонхона (Ф.Икрамова) ушбу буйруқни Қўмитанинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари, худудий бошқармаларига ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлигига юборилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Раис

Ш. Шарахметов

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил “ 9 ” июндаги 96-ЎЎ-сонли буйруғига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ШҚ-5177-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси

Т.р.	Топшириқ	Топшириқни бажариш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини бошқаришни такомиллаштириш.	Монополияга қарши курашиш қўмитасининг марказий апарати таркибий бўлинмалари, худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида Низом ишлаб чиқиш.	2021 йил Август	Д.Насирова, Ш.Шадманкулов
2.	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгилаш.	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгиловчи ҳужжатни ишлаб чиқиш.	2021 йил Сентябрь	Д.Насирова, Ш.Шадманкулов
3.	Давлат харидлари соҳасида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида давлат харидлари соҳасида ўтказилаётган тендер (танлаш) натижаларини мажбурий тарзда очиқ эълон қилиш амалиётини жорий этиш.	2021 йил 1 августдан бошлаб Қўмилада ўтказиладиган тендер (танлаш) натижаларини очиқ эълон қилиш амалиётини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда жорий этиш.	Доимий	А.Ғафоров, Ф.Сулаймонов, Ш.Ботиров
4.	Охири бенефициарга оид маълумотларни олиш тартибни такомиллаштириш.	Бенефициарлар реестрини юритиш амалиётини йўлга қўйиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил Октябрь	М.Камилов, В.Мустафина, Х.Табибов, Ш.Шадманкулов